



ТИҚХММИ

Ўзбекистон Республикаси  
Министри Иттилоғони ва Кантох Зўйинатни  
Молаёнивий Муҳандислари Йиғозоти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий **XX** - ёши  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий  
- амалий анжумани

20

**XX** - traditional Republic  
scientific - practical conference of  
young scientists, master students  
and talented students under the  
topic

“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
REOURCES”

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

II қисм

Тошкент – 2021 йил, 25 – 26 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

---

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**  
*мавзусидаги анъанавий XX – ёши олимлар, магистрантлар ва иқтидорли  
талабаларнинг илмий-амалий анжумани*

**МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**II -ҚИСМ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

	Мирзоев Д. - асистент Бухарский филиал ТИИИМСХ		
36.	Абдуғаниев А. - докторант, Арифжанов А. - доцент, ТИҚҲММИ	Автоматизированное управление водораспределением на межхозяйственных оросительных системах	511
37.	Азимов З. - докторант, Имомова Н. - докторант, ТИҚҲММИ	Ўзбекистоннинг водий худудларида биогаз технологияларни жорий қилинишининг иқтисодий ва энергетик истиқболлари	517
38.	Нормаматов Ч. - талаба, Мирзаев С. - асистент, Бухарский филиал ТИИИМСХ	Компрессор электр юритмасини бошқариш тизими	521
39.	Xakimboyev J. - talaba, Mutalov A. - magistr, TIQXMMI	Mini gesning ishini optimizatsiyalash uchun automatik rostlash tizimi	526
40.	Балицкий В.Е., Турдалиев Р., докторант 2 курса обучения, магистрант 2 курса	Определение состояния изоляции электрооборудования с использованием цифровых осциллографических приставок	530
41.	Насырова Н., Газарян А., Рашидов Ж., ТИҚҲММИ	Гидравлическое уравновешивание и восстановление рабочих колес и подшипников лопастных насосов	535
42.	Қобилов Р. - магистр, Қодиров Д. - PhD ТИҚҲММИ	Қишлоқ аҳолиси истеъмолчиларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш	539
43.	Хасанов Ф. - магистр, Анарбоев А. - доцент, ТИҚҲММИ	Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикадан фойдаланишнинг техник имкониятлари.	542
44.	Абдуллаев М. - студент, Иргашев А, ТИИИМСХ	Электромобиль - транспорт будущего	546
45.	Нуруллаев X. - магистр Усмонов Ж. - катта ўқитувчи, ТИҚҲММИ Бухоро филиали	Ярим ўтказгичли датчик асосида юқори ҳароратларни ўлчовчи электрон курилма яратиш	550
46.	Abduganiev A. - doktorat, Kudaybergenov A, Sherbaev M. - doktorat, Seytov A., Rakhimov Sh. – professor TIQXMMI	Mathematical models and optimal control algorithms for channels of irrigation systems, taking into account the discreteness of water supply	552
47.	Гулямов Ж. - магистр, ТИИИМСХ	Использование pid- регуляторов на основе нейронных сетей в системах автоматического регулирования	562
48.	Баёзов И. - магистр, Иноятов И. - магистр, Убайдуллаева Ш. - доцент, ТИҚҲММИ Бухоро филиали	Мелиоратив каналда технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси	565
49.	X. Mamadiyev – TIQXMMI magistranti, A. Boybekov– TIQXMMI magistranti, S. Xushiyev – TIQXMMI dotsenti,	Suv ta'minot korxonalarida energiya samaradorligini oshirishning ahamiyati	569

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ИСТЕММОЛЧИЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Қобилов Рахимжон Комилжон ўғли магистранти.

Қодиров Дилшод Ботирович PhD.

[admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

### Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси истеъмолчиларининг энергия истеъмоли таркиби, қайта тикланадиган энергия манбалари ва анъанавий энергиядан фойдаланиш жараёнлари, қишлоқ жойларида энергия истеъмол қилиш бўйича янги тушунчаларни тақдим этиш, шунингдек, энергия тежаш сиёсати ва бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Энергетика, электр энергияси, қуёш панеллари, шамол электр станциялари, мини ГЭСлар.

Энергетика инсоният ҳаётида муҳим рўл ўйнайди. Инсон фаолиятининг барча турлари энергия билан чамбарчас боғлиқдир. Энергиядан фойдаланиш усуллари, ундан максимал самарадорлик олиш мақсадида доимо такомиллашиб бормоқда. Ҳозир инсон тамадудинининг ривожланишида энергия ҳал этувчи рўл ўйнайди. Инсоният ҳаётида энергетика катта аҳамиятга эга. Унинг ривожланиш даражаси, жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини, илмий техник тараққиёт имкониятларини ва аҳоли турмуш даражасини акс эттиради. Республикаиз мустақилликка эришгандан буён энергияга бўлган талаб бир қанча ўсили, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барча жабхаларида электр энергиядан фойдаланиш ортди. Бундан қишлоқда яшовчи аҳолининг электр энергиясига бўлган этиёжини ошиши хам истисно эмас албатта. Маълумки, қишлоқ хўжалиги катта микдорда энергоресурслар, яъни нефт маҳсулотлари, кўмир, газ, электроэнергияни истеъмол қиласи. Шу билан бир пайтда электр энергиядан тўлақонли фойдаланиш асосида қишлоқда комплекс электромеханизацияни ва автоматлаштиришни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини орттириш хамда чорвачилик маҳсулотлари маҳсулдорлигини, ассортиментини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор камчилликлар кўзга ташланмоқда.

Масалан, охирги пайтларда электр энергияси қабул қилиш ва меҳнатни электр энергия билан қуроллантиришни режавий кўрсаткичлари бажарилмай қолмоқда, айниқса биринчи тоифага кирувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларининг чорвачилик фермалари ва паррандачилик фабрикаларида хамда аксарят қишлоқ хўжалик обьектлари электр таъминотининг пухталиги етарли эмас, аксариат қишлоқ электр узатиш тармоқларида кучланиши номинал микдордан четта чиқиши ортиб кетмоқда, бу эса электр жихозларини ва уй-рўзгор электр қурилмаларини ишлаш муддатини кескин қисқаришига ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сифатини пасайишига олиб келмоқда.

Савол туғилади, кўрсатиб ўтилган камчилликларни бартараф қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши таъминлаш учун қишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳодимлар ва мутахассисларни вазифалари нималарга йўналтирилиши лозим?

1. Қишлоқ хўжалик электр тармоқларини катта қисмини реконструкция қилиш, замонавий электр жихозлари ва электротехник қурилмалар, шу жумладан хайвон ва паррандаларга мўлжалланган биноларда, иссиқхоналарда микроиқлим параметрларини

хосил қилиш учун мұлжалланған автоматлаштирилған тизимлар яратиш ва уларни жорий қилиш зарур.

2. Аҳоли яшаш пунктларидаги энергия билан таъминловчи фидерларда кучланиш сифатини яхшилаш, тармоқда симметрик юклама хосил қилиш ва тармоқдаги кичик корхоналарни электр таъминотини линияларини алоҳида қилиш лозим бўлади.

3. Қишлоқ хўжалик электр тармоқларига техник-сервис ҳизмати кўрсатувчи мутахассисларини кваликациясини ошириш яъни фақат олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш керак.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ташкилотларини яъни кўп тармоқли фермер хўжаликларидаги қарамоғидаги ишлаб чиқариш муассаларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш жараёнларини чорвачилик биноларини иситиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш, ҳимояланған тупроқни иситиш, чорвачилик комплексларида ичимлик сувини иситиш, ва ҳимояланған тупроқ тизимидағи суғориш учун сувни иситиш ва шунга ўхшашларга энергоресурсларни яримидан кўпроғини сарф бўлишини хисобга оладиган бўлсак уларни электрлаштириш даражасини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, замонавий сут товар фермалари йирик ва кўп сонли иссиқлик истеъмолчилари қаторига киради. Агросаноат комплексини умумий энергетика балансида эса иссиқлик энергияси салмоғи бенихоят катта. Таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги кўпчилик иссиқлик истеъмолчиларини хусусиятларига кўра, уларни тарқоқ жойлашганлиги, қувватини кичиклиги хамда ишлаш муддатининг қисқалиги киради.

Тарқоқ жойлашган қишлоқ хўжалик объектларини иссиқлик билан таъминлаш учун аксарият холларда қаттиқ ва суюқ ёқилғи ишлатиладиган, фойдали иш коэффициенти 50% дан ошмайдиган ўт қозонлари ва сув иситиш печларидан фойдаланилмоқда. Аммо хозирги кунда замонавий қишлоқ хўжалиги объектларида бир қатор авфзалликларга эга бўлган электр иситиш қурилмалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Бундан келиб чиқиб, чорвачилик фермалари учун энергия манбааларидан, шунингдек электр энергиясидан самарали фойдаланиш муаммолари ўта зарур халқ хўжалиги вазифаларидан хисобланади.

Бу борада хозирги кун талабига жавоб берадиган ноанъанавий энергия манбаалари бўлган қуёш панелларидан энергия олиш қурилмаларини, биогаз энергия манбалари, шамол электр станциялари, мини ГЭС ларни жорий қилиш ушбу долзарб муаммоларни ижодий хал қилишда ахамиятга моликдир.

Бундай ноанъанавий энергия манбаларини кенг жорий қилиниши ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида модернизация қилишга йўл очиб бериши аниқ. Чунки автоматлаштирилған сув иситиш электр қозонларини, электрокалориферларни, электродли сув иситкичларни ва буғ қозонларини, электр билан иситилувчи полларни, мавжуд суюқ ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган қурилмалар ўрнига алмаштирилиши иш унумини кескин кўтарилишига, ишчи ҳодимлар сонини кескин камайишига, ёқилғи ва нефт маҳсулотларини ташиб келтириш сарф харажатларини қисқартирилишига олиб келади.

Узлуксиз ва сифатли электр энергия истеъмоли қишлоқ электр таъминотига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб уни пухталигини ошириш учун ташкилий-техник чоралар комплексини кўриб чиқиш зарур. Булар аввало кучланишини ростловчи автоматик қурилмалар, тармоқдаги авария холатлари тўғрисида хабар берувчи сигнализаторлар, кучланиши автоматик ростланувчи куч трансформаторлари, реактив қувватни сарфини камайтирадиган конденсатор қурилмалари ва шунга ўхшашлардир. Электр тармоқларидан узокда жойлашган кичик қувватли объектлар, яъни яйловлардаги чўпонлар турар жойлари, фермер

хўжаликларида дала шийпонлари ва шунга ўхшашлар учун биогаз қурилмаларидан, шамол электр станцияларида, қуёш батареяларида фойдаланиш мақсадда мувофиқ бўлади.

Республикамиздаги агросаноат мажмуаси электроэнергетика базасини такомиллаштириш, мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўқис таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарини интенсив ривожлантириш хамда ер майдонларини хосилдорлигини кўтариш ва кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири хисобланади. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартағи “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2013 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Осиё қуёш энергияси форумининг ўтказилгани ва ушбу анжуманда давлатимиз раҳбарининг иштирок этиб, нутқ сўзлагани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, табиий бойликларимизни тежашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон худудидаги қайта тикланадиган энергия турларининг жами ва техник потенциалини баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг экологик хавфсизлиги, ўзлаштириш имкониятлари етарли бўлганлиги учун анъанавий энергия захираларимиздан фойдаланиш истиқболларини қайта кўриб чиқиши талаб қиласди. Чунки қайта тикланадиган энергия турларини ишлаб чиқариш шароитлари ва майший ҳаётимизда янада кенг қўллаш электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишда табиий газдан сезиларли даражада камроқ фойдаланишга замин яратади. Электр энергиядан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оқилона фойдаланиш, тармоқлардаги электр қурилмаларида электр энергия истрофларни камайтириш нафақат суюқ ва қаттиқ ёқилғини тежаш, балки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тан нархини камайтириб, қишлоқ аҳолисини меҳнат шароитини ва турмушини яхшилашга олиб келиши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -4422 сон қарори. Ш.Мирзиёев.

2.“Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2013-yil 1-март, ПФ-4512.

3. Т.Мажидов “Ноанаънавий ва қайта тикланувчан энергия манбалари” Тошкент “Ворис-нашрёт” 2014-йил.

4. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари БМТ Тараққиёт дастури, Тошкент, 2007.

5. Jozsef Benedek, Tihamer-Tibor Sebestyen, Blanka Bartok “Evaluation of renewable energy sources in peripheral areas and renewable energy-based rural development” Renewable and Sustainable Energy Reviews 90 (2018) 516–535

6. [www.elsevier.com/locate/rser](http://www.elsevier.com/locate/rser)

7. [www.uzgidro.uz](http://www.uzgidro.uz)